

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**



Чортоқ туман халқ таълими бўлими

Мудири Харид комиссиясининг

раиси М. Баҳодиров Ф.Баҳодиров

“17” ноябрь 2022 йил

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ЧОРТОҚ ТУМАН ХАЛҚ ТАЪЛИМ БЎЛИМИГА ҚАРАШЛИ**

**53-СОНЛИ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИДА ФАОЛЛАР ЗАЛИ**

**МУКАММАЛ ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ ЛОЙИХА**

**СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ УЧУН**

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

## Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
2. Техник қисим
3. Нархлар қисми

### ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

#### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Чортоқ туман халқ таълими бўлимига қарашли 53-сонли умумий ўртатаълим мактабига фаоллар зали мукамал таъмирлаш ишларига лойха ҳужжатларини тайёрлаш.

1.2. Танлов юқори қиймати 40 684 000 (Қирқ миллион олти юз саксон тўрт минг) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва қўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинган. Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларини бажариш муддати: Ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нүксон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича.

1.5. Ишлар бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

#### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Чортоқ туман халқ таълими бўлими (бундан кейин “Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.  
“Буюртмачи” манзили: Чортоқ шаҳар Истиқлол хиёбони кўчаси 6-уй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов Чортоқ туман халқ таълими бўлими “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

#### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танлов мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча Юридик мақомга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиш учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади: танлов предмети ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларининг мавжудлиги;

- объект мураккаблик даражасига қараб, “лицензия” ва “гувоҳнома”



- 684 – Қонун 13-моддасига риоя этилиши шарт
- Моддий-техник базаси ҳамда ташкилотнинг оргетехник рўйхати ускуналари
- Бахтсиз ходисалар бўлган вазиятларда ишчи ходимларнинг хаёт сугирталанганлиги
- Техника ҳафсизлиги қоидаларига риоя қилиш талаблари ҳамда йўриқномалари
- Ишчи ходимларнинг диплом нусхалари, меҳнат дафтарчалари ёки mehnat.uz сайти орқали рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжат
- Бажарилган ишларга бериладиган кафолат муддати
- Шу соҳада олдин қилинган ишлар бўйича буюртмачилар берган тавсифномалари

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар) ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензияга эга бўлган талабгорга рўхсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рўхсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажралиши, қўшилиши), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. Танлов ҳужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

Нарҳлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нарҳлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифлар яхлит ҳолда тикилган, номерланган ваколатли шахс имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир вароғини муҳирлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.3. Қўйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нарҳлар бўйича қўйидаги таклифлар:

Техник ҳужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади);

Нарҳлар таклифи ва нарҳлар бўйича жадвал тўлдириши ва илова қилиниши лозим.

4.4. Танлов иштирокчилари:

- Фақат битта таклиф бериш мумкин;



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Чортоқ туман халқ таълими бўлими

муdiri: *Ф.Баҳодиров* Ф.Баҳодиров

Чортоқ туман халқ таълими бўлимига қарашли 53-сонли умумий ўртатаълим мактабига

фаоллар зали мукамал таъмирлаш ишлари

#### ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Таъмирланадиган объект	Чортоқ туман халқ таълими бўлимига қарашли 53-сонли умумий ўртатаълим мактабига фаоллар зали мукамал таъмирлаш
2	Буюртмачи	Чортоқ туман халқ таълими бўлими
3	Буюртма учун таъмирлаш	Чортоқ туман халқ таълими бўлимига қарашли 53-сонли умумий ўртатаълим мактабига фаоллар зали мукамал таъмирлаш ишлари лойха хужжатларини тайёрлаш
4	Жойлашган ўрни	Чортоқ шаҳар Навоий МФЙ Зиё кўчаси 1-уй
5	Қатнашувчилар учун талаблари	Иш (хизмат) сифатли ва вақтида бажарилиши шарт. Бажарилган ишлар ҳисоблашув далолатнолмаси асосида қабул қилинади
6	Тижорий таклифларни тақдим этиш шартлари	Электрон танлов <a href="http://etender.uzex.uz">http://etender.uzex.uz</a> орқали танлов хужжатлари
7	Бажариладиган ишлар ҳисоб-китоби	40 684 000 (Қирқ миллион олти юз саксон тўрт минг) сўм
8	Ишни бажариш муддати	2022 йил ноябр ойида (шартнома тузилган санадан сунг 5 иш кунида)
9	Техника хавфсизлик бўйича талаблар	Иш бажариш жараёнида техника хавфсизлик қоидаларига тўла риоя қилиш шарт
10	Молиялаштириш манбаи	Наманган вилояти Чортоқ туман очиқ бюджети